

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**КПСС XXIV
СЪЕЗДИНИ
МУНОСИ
КУТИ
ОАМИЗ**

●САККИЗИНЧИ
БЕШЙИЛЛИК СА-
МАРАЛАРИ

Фермада гўнгини далага олиб чиқиш ишлари ҳам механизациялаштирилган. Тракторга ўрилатилган ПГУ—0,55 агрегати йиғилган гўнгини махсус тележкага ортиб беради. Молхонадан оқиб чиққан чикиндилар эса махсус шестерня орқали тўғри экинзорларга ташинлади.

200 сизирга мўлжалланган




Тошкентдаги қурилиш меҳанизацияси тресті коллективини қанча унумди ишладиса, бинолар шунча тез ва соз қад қўтиради. Бунн яхши тушунган меҳанизаторлар ўз вафизаларини сиддиқийдан бажаришмоқда. Меҳанизмлардан фойдаланишн яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, прогрессив технология ва ялгор иш усулларини қўлланиш туғайли меҳнатда зафар кетидан зафар қўймоқдалар.

Республиканинг пойтахти қиёфасини тобора гўзаллашишида бо трест коллективининг ҳам хизматлари бор. Унинг объектлардаги турли-туман бинокорлик машина-меҳанизмлари қўрувчилар меҳнатига самара киритилмоқда.

Меҳнатсеварлар, савкинизини беш йиллик планини яна барвақт одо этишди. Уларча миллион сўмлик капитал маблаг ўзлаштирилди. Фағатгина ўган юбилей йилида планидагига қўшимча салкам икки миллион сўмлик иш бажарилди.

Бинокорлар КПСС XXIV съездини мунособ кутиб олиш юзасидан аймақларига янги мажбуриятлар одилди. Бунда барча касбадаги меҳанизаторлар фаол иштирок этмоқдалар. Аниқиса, П. Артемыев ва И. Абдурахимов ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар, 4-хотанизация бошқармалари, 4-хотани тивлари самарали ишлайпти. Улар янги йилни ҳам яхши қўрсатиқлар билан бошлашди. Кунлик топиширини олгани билан бажаришмоқда.



Н. КЛЮЧНЕВ фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Область буйича	31	37,6
----------------	----	------

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ИРРИГАТОРЛАР ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистондаги, қолаверса Ўрта Осиё республикаларидаги кўпгина ирригатор мутахассислар ва инженерлар, ирригатор олимлар ва педагоглар шахримиздаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида таҳсил қилиб қайноқ ижодий ҳаётга йўланма олишган. Уларнинг қайноқ ижодий фидокорона меҳнатлари ва ажойиб ташаббуслари билан жойларда катта-катта ирригация қурилишлари амалда оширилди ва оширилмоқда. Сўғориладиган майдонлар кенгайиб, янги ўзлаштирилган ерлар қишлоқ хўжалик оборотида киритилди. Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда.

Мазкур йирик олий ўқув юрти ўзининг ярим асрлик тўйини кенг нишонлаш арафасида тўрибди. Тўйга-тўёна билан бориш азалий одатимиз бўлганидек, институт профессор-ўқитувчилар коллективи ва кўпсонли студентлари ҳам сеvimли институтлари юбилейига муносиб ижодий совғалар ҳозирлашмоқда. «Энг яхши ишларимиз — жонажон партияимизнинг XXIV съездида» деган широк олий ўқув юрти факультетлари бўйлаб кенг ёйилди.

Қуйида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг босиб ўтган шонли йўли, амалда ошмирган ибратли ишлари ва ҳозир бажарилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.



КАДРДОН ДАРГОҲ

САЛОБАТЛИ бу йиштин бино том маънадаги улкан илм-фан даргоҳига айланган. Унинг ҳар бир аудиторияси, ҳар бир кафедраси ва лабораторияси ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Уларда узуксиз ҳаёт қайнайди.

Биринчи янги мавзу ўрганишга киришилса, иккинчисида амалий машғулот бошланган бўлади. Яна биринчи назарий билимлар лаборатория ишларига ўтатилади. Эрта тонгда кадрдон институт кучоғи сари ошмирган студентларнинг ҳар бир соати, ҳар бир кўни мазмуни ва ғаниматли ўтади.

Ҳа, муқаддас даргоҳнинг меҳритиёси бор. Шу меҳр тўғрисида қанча йилгит-қиз инженерлик гувоҳномасини олмади, дейсиз! Унинг кенг бағри етук олимларни, таниқли профессор ва академикларни шу институтда ишлашга, студентларга фан асосларини ўргатишга даъват этди. Машҳур ўзбек олим, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Т. Н. Қориниёзовнинг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти мазкур олий ўқув юртида ўтди. Академиклардан А. Н. Асқочинский, М. В. Савликов, профессорлардан Н. А. Янишевский, Г. А. Кошеников каби фан фидоилари билан ҳам фахрланасан арзийди. Серкўёш республикамиз фанида яратилган гидро-техника иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш, пахтачиликни комплекс механизациялаш, сувдан фойдаланиш плани системасини яратиш, пахтачиликда қўлланиладиган машиналарнинг чидамлилиги ва узоқ муддатлилиги каби илмий мавзулар юқоридаги олимлар номлари билан боғлиқдир.

Келгусида олий ўқув юрти ўқув базаси тағин ҳам кенгайди. Ана шу макетда институт истиқболи ўз аксини топган. Суратда: институт ректори ўртоқ С. Пулатов (ўртада) профессор - ўқитувчиларини мазкур макет билан таништирмоқда.

ригатор олимларимизнинг ҳиссаси оз дейсизми!

— Фан билан ишлаб чиқариш — эгизак. Ахир, тадқиқотлар ўзига шонли йўл топгандагина уларнинг қиммати ва аҳамияти ортади, — дейди институт ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механик Салом Пулатов. — Лаборатория шароитида амалда оширилган илмий ишларимиз ҳаёт билан бевосита боғланган. Партия Марказий Комитетининг 1968 йилда бўлиб ўтган октябрь Пленумидан сўнг студентларимиз ибратли ташаббус билан чиқдилар. Улар Мирзачўл, Қарши дашти ва Марказий Фарғонани ўзлаштириш, сув хўжаликларини объектида қурилишга ёрдам беришга аҳд қилдилар. «Среднеазиатское строительство» ва «Узгидропроект» топириги билан бажарилган ишларда ҳам широклиги йиғит-қизлар ўзларини кўрсатдилар.



СЕМЛИЙ даргоҳда ўқиб, институт шон-шухратини оширган етук мутахассислар оз, дейсизми. Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреатлари П. В. Глазатов, В. Т. Захарченко, С. К. Калицкий, А. Н. Приходько, Г. И. Волков, А. Н. Липин ва бошқалар шулар жумласидан. Уларнинг номлари Иттифоқ миқёсида танилган.

Профессор-ўқитувчилари, собиқ талабалари билан долг таратаётган бу олий ўқув юрти 50 ёшга тўлди.

ТУРКИСТОНДАГИ тўнғич олий ўқув юрти Тошкент Давлат университетининг техника факультети базасида ташкил топган ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти катта йўлни босиб ўтди.

Студентлар томонидан ёзилаётган дипломлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган. Кейинги беш йил ичида ирригация қурилишлари билан боғлиқ 500 дан ортиқ диплом ишн тайёрланди. Ўтган ўқув йилининг ўзида 90 га яқин диплом ишн ирригация қурилишларга тавсия этилди.

ПАРТИЯМИЗНИНГ июль Пленуми биз учун ҳам муҳим дастур бўлди. Бу пленумда келаси беш йилдаги ҳаётимизнинг янги йўналишлари ҳақидаги ҳусуниятлари аниқ-ойдин кўрсатиб берилди. Сўғориладиган ерлардан олиннадиган ҳосилдорлиқни ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилди.



Ешларнинг наздида ярим аср узоқ бир тарих, институт ветеранларининг наздида эса, воқеалар кўни кеча бўлиб ўтгандай...

Олий ўқув юрти билан бирга ўсиб, бирга одимлаган профессор-ўқитувчилар билан қилган сўхбат бундан гувоҳлик қилади.

— Институт ташкил этилган ўша дастлабки йиллар хотираси мен учун жуда тоғли туюлади, — дея ҳикоя қилади ветеран олим Татяна Александровна Колпакова. — Бу гапимдан, ўшанда ишлар жуда осон қўлган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Озмучча машаққатлар чекилмади, дейсиз. Аҳвол оғир эди. Озиқ-овдат, йилим-кечак етишмасди. На чора! Қийинчиликлари енгилга тўғри келди. Ирригатор кадрлар тайёрлаш кўи тартибидидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолганди. Институт ўқитувчилар коллективи олдида ҳам шарофти, ҳам машаққатли вазифа турарди. Бунинг учун кўнг ва чидам билан ишлашга тўғри келди.

Сўғориладиган ва захи қочириладиган ер майдонини кенгайиб борагани сари, бу ерлардан тўғри фойдаланишга тобора юксак талаблар қўймоғимиз, даставвал бундай ерларнинг ҳар бир гектаридан мўл ҳосил олиншига эришмоғимиз керак. Сўғориладиган ерлардаги ҳосилдорлик даражаси — моҳирона хўжалик юриштишининг асосий меъзои бўлмоғи лозим.

Пленумда таъкидланганидек, бу борада ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Янги вазифаларни амалда оширишда ирригатор мутахассис кадрларнинг фаолияти катта бўлмоғи лозим. Республикамиз шароитида сўғориладиган деҳқончиликни бундан буюн ҳам барча чоралар билан ривожлантириш талаб қилинаётган экан, бунда ирригатор олимлар ва мутахассисларнинг ёрдам ва иштироки катта бўлади. Пленум қарорлари асосида ўқув ишлари ва илмий тадқиқотлар темалари ишлаб чиқилди. Малакали инженер-кадрлар тайёрлашнинг инда яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Олий ўқув юрти учун комплекс ўқув лабораторияси барпо этилади. Бунинг учун алоҳида янги корпус қуриш кўзда тутилди.



Олий ўқув юртига меҳнаткашларнинг фарзандлари — кечаги ғўпоналар, деҳқонлар, ишчилар қабул қилинди...

Ер, сув... Буларсиз ҳосилдорлиқни ошириш, мўл-кўнчилиқни бунёд этиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Туркистонда сўғориш ишлари учун маблаг аяратиш ҳақида улуг Ленин имзолаган Декрет институт учун асосий дастур бўлиб қолди...

Дарвоқе, Татяна Александровна ҳам дохий йўланмаси билан Туркистон ўлкасига ленинча ирригация ишлари планини амалда ошириш учун келган мутахассислардан бири эди. — 1913 йилининг ёзи. Ҳали диплом ишмини ҳикоя қилмасдан бурун Тошкентда Мирзачўлнинг ишмолий-шарқий қисмини сўғориш бўйича ишлар бошқармаси лойиҳалаш бўлимида меҳнат фаолиятим бошланганди. Шу-шу бўлди-ю, бундан ҳаётим серкўёш ўзбек дёбири билан боғлиқ кетди, — деб хотирлайди ўртоқ Т. А. Колпакова.

Институтда бир эмас, икки эмас, бир йўла ўнга яқин лойиҳага қўл урилган. Ахир, Қарши ва Мирзачўл, Марказий Фарғонани ўзлаштиришнинг гидро-техник лойиҳаларини яратишнинг ўзи бўлмайди! Бошлаган ишлар бирин-кетин ижобий ҳал этилмоқда.

Олимлар бош котираётган мавзулар қўлами кенг, Ирригация ва пахтачиликни комплекс меҳнаткашлантириш, техника тараққиётининг илмий мундарижаси, техника ўсимликларининг истиқболига доир тадқиқотларини бажаришда ҳам олий ўқув юрти олимлари фаолият кўрсатишади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа илмий-педагогик ишлар институтнинг шонли партияимизнинг XXIV съездида муносиб армуғони бўлади.



Бунроғи йили республикамиз жамоатчилиги ўртоқ Т. А. Колпакова туғилган кўнининг 80 йиллигини нишонлади. Шу умрининг 50 йилдан ортиги ирригаторлик касбига бағишланди.

Ирригация институти унинг иккинчи она уйи. Олий ўқув юртида ишлаб, қанчадан-қанча инженерларга бой билим ва тажрибасини ўргатди. Доцент Татяна Александровна ҳозир сув энергияси ва насос установкасида фойдаланиш кафедрасига мудира. Олима 1938 йилдаёқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» деган фахрий унвонини олишга муваффақ бўлди...

«БУ ЕРДА инсоннинг сув билан ҳамюрлигида қилган қатъий меҳнати кўм стихиясини батамом енгади ва кўнча кўм ўрнида, саҳро бағрида, Амударёнинг ҳосилдор оқими билан тўйинган обод воҳалар бунёд этади», — деб ёган эди ирригация институтини ташкил этганлардан бири профессор Н. А. Димо. Олима Сирдарё ва Амударё бўйлаб ўтказилган илмий экспедицияга бошчилик қилар экан, ана шу гапларини айтган эди. Ҳа, сўғориш ва ирригация тўғрисида сувсиз қаҳар ётган катта-катта бўм-бўш ерлар ҳосилдор водийларга айланди.

Серкўёш дёиримизни гуллаб яшатишда ирригатор мутахассис кадрлар ўчоғи ҳисобланган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ана шу бинога жойлашган.



Ирригация институти унинг иккинчи она уйи. Олий ўқув юртида ишлаб, қанчадан-қанча инженерларга бой билим ва тажрибасини ўргатди. Доцент Татяна Александровна ҳозир сув энергияси ва насос установкасида фойдаланиш кафедрасига мудира. Олима 1938 йилдаёқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» деган фахрий унвонини олишга муваффақ бўлди...

ШУНДА! Ўтган ярим аср олий ўқув юрти учун ўсиш ва изланиш, кенгайиш ва камолат йиллари бўлди. Бу давр ичида 115 мингга яқин мутахассис ҳаётга йўланма олди.



Гидромелиорация факультетининг 1-курс студентларидан А. Жураева билан М. Жураевлар институт кутубхонасида навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Н. АБЗАМОВ фотолари.

Ирригация институти унинг иккинчи она уйи. Олий ўқув юртида ишлаб, қанчадан-қанча инженерларга бой билим ва тажрибасини ўргатди. Доцент Татяна Александровна ҳозир сув энергияси ва насос установкасида фойдаланиш кафедрасига мудира. Олима 1938 йилдаёқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» деган фахрий унвонини олишга муваффақ бўлди...

ШУНДА! Ўтган ярим аср олий ўқув юрти учун ўсиш ва изланиш, кенгайиш ва камолат йиллари бўлди. Бу давр ичида 115 мингга яқин мутахассис ҳаётга йўланма олди.

Ирригатор мутахассис кадрлар ўчоғи ҳисобланган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ана шу бинога жойлашган.

Бизга ёздилар

БИРИНЧИ МАШГУЛОТ

БҲСТОНЛИҚ район партия комитети қўшида партия ва совет активлари учун ташкил қилинган мактабда биринчи машғулот бошланди. Машғулотда район партия комитетининг секретари ўрқотқуб Пулатов мактабнинг асосий вазифалари ҳақида гапирди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси иқтисод институтининг сектор мудири, иқтисод фанлари кандидати Абдурахим Ортиқов «КПССнинг социалистик ҳужаликини юритишда ленинча прин-

циплари» деган темада лекция ўқиди. Мактаб тилловчилари КПССнинг ҳозирги даврдаги иқтисодий сиёсатини ўрганишни давом эттирмақдалар. А. РАҲИМБЕРДИЕВ.


УСТОЗНИ ЭСЛАБ

ЯҚИНДА Оққўрғондаги «Ленинбод» колхозини ташкил қилган ўзбек совет адабиёти асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Нисийни хотирасига бағишлаган кеча ўтказилди. Кечада колхоздаги 1,2-мактаб ўқувчилари Ҳ. Ҳ. Нисийнинг қатор шеърларини ёддан ўқи-

дилар. Сўнг устознинг «Тухматчилар» пьесаси қўйилди. Кечада таниқли ёзувчилар ва адабиётшунослардан Одил Ёкубов, Эркин Воҳидов, Примкул Қодиров ва Озод Шарофутдиновлар қатнашдилар. Н. ТҲҲОНОВ.

ИШЧАН ШОФЕР

ҲАМИД ака Абдиев ўн олти йилдирки, Оққўрғон районидagi Навоий номи колхозда меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги билан обрў-эътибор орттириб келмоқда. У йил ўн икки ой машина рулида колхозчилар оғирини енгил қилиб, ўзига тошпирилган ишни сидирдиладан бажаради. Ишчан шофер Ҳамид Абдиев ҳозирги кунда колхознинг Қўшамғали участкасида қўрилаган 380 ўринли мактаб биносини қуришда актив иштирок этмоқда. Т. ТУРҲУНБОВЕВ.



ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ РАҲБАРЛИГИДА

Тошкентдаги кўпгина олий ўқув юртида чет эллик инжигишлар ҳам тахсил кўрмоқдалар. Тошкент политехника институтини аспирантлари орасида ҳам шахримизга чет элдан ўқишга келган бўлажак олимларини учратиб мумкин. Ироқлик инжигиш Ал-Хошимий Жалол Жаовд 1961 йилда шу олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинган эди. У институтини муваффақиятли тугатгач, она дёйрага нига қайтди. Фан хазинасидан дур териб ишни уни яна Ўзбекистонга — политехника институтига қорлади. Ироқлик бўлажак олим ҳозир институт аспирантурасини тугатиш арасида турибди. Унинг «Янги полимерлар ҳосил қилиш» деган мавзудаги илмий иш ҳам нийҳонсига етиб қолди. Пластмасса технологияси ва уни қайта ишлаш кафедрасида ёзилаётган кандидатлик диссертациясини доцент Т. Абдурашидов раҳбарлигида бажаришмоқда. Аспирант профессор М. Асқаров, доцент Д. Тоирбековлар ёрдамида хурсанд.

ТОШКЕНТДАГИ 102-мактабда тўғарак ишлари яхши йўлга қўйилган. Физика тўғарак машғулотлари ҳам қизиқарли олиб борилади. Суратда: ўқувчилар физика ўқитувчиси Р. Муслимов раҳбарлигида машғулот ўтказмоқдалар.

Н. Аъзамов фотоси.



ЎЗБЕКИСТОН ССР озиқоват саноати министрлигига қарашли Қўйилқ посёлкасида жойлашган тешиш комбинати коллективни шаҳарликларга қўйлаб помидор, бодирит ва ҳар хил қўшакларни жўнатмоқдалар. Суратда: илгор ишчи М. Тураҳмаева савдо ташкилотларига жўнатиш учун помидор тайёрламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткина фотоси.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

СССР да хизмат кўрсатган тренер Александр Андреевич Келлер «Пахтакор» футбол командасига янгиликларни таълим тренер қилиб тайинланди. У билан бирга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган тренер Евгений Валицкий ва спорт мастери Геннадий Красникий тошкентлик футболчиларни олий лига биринчилиги мусобақаларига тайёрламоқдалар. Французияда янгиликлар «Франс-Футбол» ҳафталиги Европа мамлакатлари терма командаларининг халқаро классификация ажуварини эълон қилди. 1970 йилги натижаларига кўра Европа чемпионли ва жаҳон чемпионатининг кумуш мукофотини Италия терма командасига биринчи ўрин берилди. ГФР терма командаси иккинчи ўринни олди. Англия ва СССР терма командалари эса классификация бўйича учинчи ўринни эгалладилар. ГФР олимпияда терма командаси Африкада ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқда. У Нигерия командасини 2:0 ҳисобида, Конго футболчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Глазго шаҳридаги футбол ўйинида бўлган тартибсизликлар вақтида ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам учун маблағ янгиш давом этмоқда. Шотландия Футбол федерацияси маълум қилдики, ҳозиргача ёрдам фонди учун 200 миң фунт стерлинг тушди. Яқин кунлар ичида «Селтик» ва «Рейнжерс» командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилмоқчи. Бу ўйиндан тушган маблағ ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига берилади. Маълумки, худди мана шу киши команда ўртасида бўлаётган ўйиннинг сўнгги минутларида футбол фожияси юз бериб, 66 киши ҳалок бўлган эди.

(Боши газетамизнинг 19, 22, 24, 26, 30, 31 декабрь, 6, 7, 8, 9, 12, 13, 15, 16, 20, ва 21 январь сонларида).

ШИФОКОР ҚИЗ

ЯНГИНУЛ районидagi Свердлов номи колхоз марказида район марказий стоматология поликлиникаси жойлашган. Бу шифохонада ўз касбини меҳр қўйган шифокорлар ишлашади. Улар қишлоқ меҳнатшарнининг саломатлигини муҳофаза этишда бутун билим ва маҳоратларини ишга солиб, кишилар дардига маҳкам бўлиштиришади.

Қишлоққа йўллама олди. Ма на бир неча йилдирки, у қишлоқ шифохонасида тиш врачли бўлиб ишлаб келмоқда. Шу вақт ичида у жуда кўп кишининг дардига даво бахш этди. Еш врачнинг хизматидан колхоздаги барча катта-кичи чик миннатдор. Қариялар уни хурмат қилиб, «доктор қизим» дейишади. Шифокорга бундан ортиқ мукофот бўла-са керак.

Суратда: М. Бурхонова бе-морнинг тишини даволамоқда.

Ў. Шохазизов фотоси.



ШАХТЕРЛАР ОТАЛИГИ

9-шахта қончилари бир неча йиллардан буюн Ангрендаги бо-ларлар уйига оталик ёрдами кўрсатиб келишмоқда. Қончиларимизнинг ҳиммати билан янги йил арасида бо-ларлар уйининг биноси қайта ремондан чиқари-рилди. Мактаб устакониси янги ускуналар билан жиҳозланди. Шахтерлар янгида ўзлари-нинг шахсий маблағлари ҳисоби-га тўрта теледидар сотиб олиб, уларни бо-ларлар уйига совға қилишди.

Ф. ПЕТРОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
18.30 — «Ахборот» информаци-он программаси, 18.40 — «Батаи ўғлини» (Телефильм), 19.15 — «Бугун диниёр сиз билан» (му-зикали юрсатув).
Ўзбек тилида: 20.00 — «Ахбор-от» информацион программаси, 20.15 — КПСС XXIV съезди шара-фига «Пропандист» программа-си, 20.30 — Социалистик ҳушоба-ца илгирлари учун, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ортири-ва солишларининг концерти, 22.05 — «Бустон» (телекунунал), 23.25 — Кўрсатувлар программа-си.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 13.00 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Уқи-тувчилар учун консултация, 18.30 — Сирдан ўқитган студентлар учун. Олий математика, 19.15 — Олий математика (рус тилида), 20.00 дан — Москва кўрсатади.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида: 20.00 — «Ўзгал-лик шох сунага кўтарилганда» (Телефильм), 20.15 — «Тўнқинда» — 02». Рус тилида: 20.25 — «Тошша-лар бошланади» (музикали цирк программаси), 21.10 — «Тоғлар оша оққан дарёлар» (кинофильм), 21.30 — «Инсон ва қонун», 22.00 — «Янгоби олийларнинг адию-тант» (куп серияли телевизион бадиий фильм, 4-серия).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 22/1 да Корсар, ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/1 да Яўлиқ юлдуз, 23/1 да Мирзо Улуғбек.
МУҚИМНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАШ ТЕАТРИДА — 22/1 да Катта концерт, 23/1 да Ҳали-ма, 24/1 да Навоий Астроабда (қўнғуз), Ёшликда берган кун-гия (кечқурув).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

16 МАРТАДАН БОШЛАБ
МОСКВА ДАВЛАТ «МУЗ УСТИДА БАЛЕТ» АНСАМБЛИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
«МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ»
(Яқин бўлимдан иборат)
КАТНАШАДИЛАР:

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар И. ГОЛОШАПОВА

ВА В. ЛУЗИН.

Солистлари: Г. БЕСКИНА, И. КЛЕНОВА, Т. МАТКОВСКАЯ, Т. НЕИЦОВА, Л. СОЛНШКИНА, А. ИВАНОВА, В. БАБЧИН, А. ЕЛКИН, Г. ПЕШОВ, Л. ГОРДОН, Б. МЕРИЛАН, З. ШОКИ-РОВ, О. АЗНОВ, С. АЛЕХАНСКИЙ, В. АВАКУМОВ, В. БЕ-ЛИЦИНЛАР ва бошқалар.

Ансамблининг бадиий раҳбари — Давлат мукофоти лауре-ати, Латвия ССР ва Арманистон ССР да хизмат кўрсатган санъат ходими — ЕВГЕНИЙ ЧАНГА.

Рассомлар — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат ходи-млари: Е. ЧЕМОДУРОВ, К. ЕФИМОВ, Л. ОКУНЬ, Бош дирижер — В. ЗОРИН.

Бош балетмейстер — Н. ГОЛИШЕВ.

Фигурали учиб бўйича тренер — СССР спорт мастери

Б. ПОДКОПАЕВ.

Тошхалар кундуз соат 1 ва кеч 7 ярида бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун залналар ҳар кунни арта-лаб соат 10 дан кеч 7 гача қабул қилинади.

Справка учун телефонлар: 447081, 447082.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

№ А-1671. ИНДЕКС — 64697. Р — 14608.